

Институтда ёш авлодга мамлакатимиздаги осойишта ва тинч ҳаёт қадрининг тушунчаларини тарғиботи доирасида “Одамийлик” шиори остидаги тадбирлар

2018 йил 14-январ кунида Тошкент шахри Ҳамза тумани Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси 4-үй 78-хонадонда яшаган ўз харбий хизмат вазифасини бажараётган вақтда жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлган катта лейтенант Игнатенко Вячеслав Александровичнинг хонадонига институт маъмурияти ва жамоат ташкилотларининг ташрифи уюштирилиб марҳумнинг турмуш ўртоғи Гулсария Халимовна ва қизи Надежда Вячеславовналар байрам билан табрикланди ҳамда совғалар топширилди.



2018 йил 14-январ куни Тошкент вилояти Чирчиқ шахри Юмалоқ қўрғони Рамазон кўчаси 43-үйда яшаган ўз харбий хизмат вазифасини бажараётган вақтда жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлган сержант Сайдазимов Жанибек Умаралиевичнинг хонадонига институт маъмурияти ва жамоат ташкилотларининг ташрифи уюштирилиб унинг ота-онаси байрам билан табрикланди ҳамда совғалар топширилди.

